



Хабар

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги жабди нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 24 май № 20 (197)

Сотувда нархи эркин

ИШОНЧ КЎПРИКЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Яқинда юртимизга почта ходимлари касба уюшмалари халқаро ташкилотининг вакилларидан иборат делегация ташриф буюрди. Аввало шунга айтиш жоизки, халқаро почта ходимлари касба уюшмалари ташкилотининг тўрт бўлими мавжуд бўлиб, Осиё - Тинч океани мамлакатлари почта, телеграф, телекоммуникация ходимлари халқаро касба уюшмалари маркази бюроси ушбу ташкилотнинг бўлими ҳисобланади. Маъмур бюронинг расмий идораси Сингапурда жойлашган. Делегация таркибида ушбу бюронинг раиси жаноб У. Л. Базил де Сильва, Япония почта ходимлари касба уюшмаси халқаро бўлимининг мудири жаноб Эйчи Ито ҳамда Қозоғистон Республикаси алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси У. А. Ошагбоева хоним бор эдилар.

Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитасида бўлишди. Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Т. Н. Назаржонов хоржий ҳамкасблари республикамизда юз берётган катта ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ислохотлар, тармоқ касба уюшмасининг фаолияти, таркибий тузилиши, молиявий аҳоли, Республика Алоқа вазирлиги, унинг таркибидagi концерн ва корхоналар билан ҳамкорликдаги муносабатлари тўғрисида батафсил гапириб берди. У республикамиз меҳнатқиллари қатори алоқачилар ҳам кунли иқтисомий ҳимом остига олинганлигини, хоржий касба уюшмалари марказлари билан бўлаётган мулоқотлар ўзаро таъриба алмашиши, дўстликни мустаҳкамлаш ҳамда фойдали ҳамкорликни

ривожлантиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Учрашуда жавоб нутқи сўзлаган Базил де Сильва ва Эйчи Ито жаноблар самимий қабул учун миннатдорчилик билдириб, почта ходимлари телеграф ва телекоммуникация хизматчиларини бирлаштирувчи касба уюшмалари фаолияти тўғрисида гапириб бердилар.

Улар бошланган дастлабки алоқалар муносабат ҳамкорликка айланганлиги деб ишонч билдирдилар. Меҳмонлар ўзларининг қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олишди.

Меҳмонлар «Тошкент почтаси» давлат ишлаб чиқарини корхонасида ҳам бўлишди. Халқаро делегация вакиллари «Тошкент почтаси» корхонаси бошлигининг ўринбосари К. Алимов, корхона касба уюшмасининг раиси Н. Орифжонов корхона фаолияти ва касба уюшмаси ҳаёти ҳақида, «Ўзбекистон почтаси» концерни раисининг ўринбосари К. Тўлбеов рес-

публика почта корхоналарининг таркибий тузилиши, жорий қилинаётган янгиликлар ҳамда почтачиларнинг турмуш тарзи ҳақида гапириб берди.

лат почта алоқа корхонасида олиб борилган ишлар билан таништирилди.

Халқаро делегация вакиллари шунинг сафарини сўнгги улар билан суҳбатладим.

Ўзбекистон ҳақида олган таассуротларим деяр олам, — дейди Осиё - Тинч океани мамлакатлари почта, телеграф, телекоммуникация ходимлари касба уюшмалари марказий бюросининг раиси жаноб У. Л. Базил де Сильва. — Сафаримиз давомида республика, унинг алоқа соҳаси ва алоқачилари ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлдим. Халқининг меҳмондўстлиги, меҳнатқашлиги, очикқўнгўлиги менига ёқди. Самарқанд шаҳридаги ажойиб ёлғорликлар халқининг бунёдкор, ҳунарманд халқ эканлигини далилат берди. Юртингиздаги тинчлик ва осойишталик мени ўзига мафтун қилди. Зеро, мамлакатнинг ривож-

таракқиёти мана шу омилиларга чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларидан бири бўлишига ишонч ҳосил қилдим.

Халқаро делегациянинг яна бир вакили — Япония почта ходимлари касба уюшмаси халқаро бўлимининг мудири жаноб Эйчи Ито, куччиқар мамлакатнинг алоқа соҳаси ҳақида гапириб, жумладан шундай деди:

— Маълумки, Япония иқтисодий жаҳатдан бақувват мамлакат. Бунда озми-қўлими алоқа соҳасининг, айниқса почта хизматининг ўз улуши бор. Сингапурдаги «Хабар» газетаси сингари, бизда ҳам почтачиларнинг ўз журналга бор. Шунингдек, почта соҳасининг ўз банки, сугурта компанияси мавжуд. Японияда даплат тасарруфидagi корхоналар ва хусусий компаниялар ўртасида доимий рақобат бор. Бу рақобат ишмизнинг ривожига ҳар доим ижобий туртки беради.

Сўхбатимиз давомида жаноб Эйчи Ито таржмачисиз, рус тилини раван гапирди. Бунинг сабабини сўраганимда у рус тилида хат ёзишмалари орқали ўрганганини айтди. «Келгусида Ўзбекистонга келсам, фақат ўзбекча гаплашаман» деди. Ҳатто ён дафтрасига бир-иккита ўзбекча сўзларни ёзиб олди.

Япониялик меҳмон жаноб Эйчи Итонинг она тилимизга бу қадар қизиқшию журматилан қўнгилим толедк кўтаргани...

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ, «Хабар»нинг махсус мухбири

Суратқаш Тўлқин ЛУТҲУЛЛАЕВ



ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 май куни Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стефан Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Руминия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Константин Гирба 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

Шу кунги Яман Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Али Абдуллоҳ ал Бугейрий ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

Тошкентдаги Киночилар уйида «Ўзбеккино» давлат акционерлик компаниясининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда таниқли кинорежиссёр Темурмалик Юнусов компания раиси этиб сайланди.

Бухорода Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлимининг илмий маркази очилди.

Борис Ельцин яна Россия Президенти этиб сайланса барча сийёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатлари вакилларидан иборат коалицион ҳукумат тузишга таяёр эканлиги тўғрисида баёнот берди.

Таниқли қозоқ адаби Улжас Сулаймонов 60 ёшга тўлди. Президент Нурсултон Назарбоев шу муносабат билан Улжас Сулаймоновга Қозоғистон халқ ёзувчиси фахрий унвонини бериш тўғрисида Фармон чиқарди.

Туркиянинг ўз денгиз бўғозларидан танкерларнинг ўтиш графигини қатъийлаштириш ҳақидаги ниятини Россия ёқлиги ва энергетика министри Юрий Шафраник таниқд қилди.

АҚШнинг Лос-Вегас шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий дунёнинг энг гўзал хоними учун мусобақада венусуэдаллик толиба Алисия фахрий шохсупанинг энг тўридан жой олди. Жаҳондаги энг гўзал ўн нафар хоним орасида россиялик Эльмира Шамсуддинова ҳам бор.

Кейинги йилларда Тошкент шаҳар телефон тармоқларида қўшлаб янги рақамли АТСлар қурилиб, станциялараро радиорелели тармоқ жорий этилмоқда.

Шу боис ҳам Тошкент шаҳар телефон тармоқларининг туман бўлимларида иш юритиш жараёнлари ҳам ўзгармоқда. Масалан, 1995 йили Чилонзор телефон алоқаси боғламасида мижозлар бюуртмасини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими жорий қилинди. Бу тизим ҳозирги кунда муваффақият билан ишламоқда. Тумандаги барча АТСлар

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

ягона компьютер тармоғига уланган бўлиб, бу ерда Марказий абонент тузатиш бюроси — МАТБ ташкил қилинди.

Эндиликда мижозлар МАТБ операторига қўнғироқ қилиб, ўз телефонни носолигини тузатишни ёки қўриқдан ўтказиш учун бюуртма беришлари мумкин. Шунингдек, мижозлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олиш имкониятига ҳам эга бўдилар. Барча бюуртмалар МАТБда қайд қилинади ва ҳисобга олинади, сўнгра тегишли АТСларнинг КРОСС бўлимига юборилади.

Бюуртма бажарилиши муддатга қатъий тартибда белгиланган ва бу ишни Чилонзор телефон алоқа боғламасининг бош муҳандиси назорат қилиб боради. Агар ўз муддатда бюуртмалар бажарилмай қолса, бу ишга масъул бўлган ходимларга қатъий маъмурий чоралар қурилади.

Чилонзор телефон алоқаси боғламасининг ягона компьютер тармоғига ҳисоб-китоб бўлими ҳам

вақт талаб қилинган бўлса, ҳозирда бу ишлар қисқа муддат ичида амалга ошириляпти.

Жорий йилдан бошлаб боғламанинг техника ҳисоби бўлими ҳам компьютерлаштирилмоқда. Бу иш май ойининг охирига қадар ниҳоятга етказилди.

Юқорида қайд этиб ўтилган барча ишлар боғламанинг ўз кучи ва маблалари ҳисобига бажарилмоқда. Маълумки, бу ишларни ҳозирги пайтда амалга ошириш анчакин мушкул юмуш. Аммо жаҳон таърибисидан аеник, сифатли компьютерлаштириш ўзини тўла оқлайди ва ҳар қандай ташкилот ҳамда корхоналарнинг иш юритиши самарали бўлишини таъминлайди.

Саидқабар АЪЗАМОВ, Чилонзор телефон алоқаси боғламаси бошлиғи, «Хабар» газетаси жамоатчи мухбири

ҚУТЛОВ
Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ва «Хабар» газетаси жамоаси газетанинг бош муҳаррири Шодмон ОТАБЕКНИ 50 ёшга тўлиши муносабати билан табриқлаб, ижодий ишларида муваффақият, узоқ умр, сийҳат-саломатлик тилайди.

АЛОҚА ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Мустақиллик йиллари алоқа хизмати соҳасида ҳам янгиликлар содир бўлди. Айниқса, юртдошларимизнинг халқро сўзлашув имкониятлари анча кенгайди. Хозир хорижлик ишбилармонлар билан шартномалар тузиш сим орқали тез ва осон ҳал этилмоқда. Мустақил Ватанимиз иқтисодиётида бар-



қарорлиқни таъминлаш, дунё бозоридоғи ўрнини янада мустаҳкамлаш, жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш борасида сурхондарёлик алоқачиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Шу йилнинг қарийб беш ойи мобайнида халқро ва шаҳарлараро сўзлашувлар сони 562 мингтани ташкил этди, узоқ-яқин манзилларга 394 мингта шошилиночма жўнатилди. Бу рақамлар замирида юртимиз истиқболи билан боғлиқ улуввор мақсадлар бор.

Сурхондарё вилояти алоқачилари аҳолига хизмат самарадорлигини янада яхшилаш учун астойдил изланмоқдалар. Бунда Алоқа вазирлигининг алоқа хизмати тўғрисидаги қонуни ва 2010-йилга

ча мўлжалланган телекоммуникация тармоқларини янгилаш ҳамда ривожлантириш Миллий дастури дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Югославиянинг «Эриксон — Никола — Тесла» фирмаси билан тузилган шартномага кўра 16 минг рақамли АТС, 1830 каналли АМТС қисқа вақт ичида ишга туширилиши кўзда тутилган. Шундан сўнг буюртмачининг коммутиатор билан боғланишига ҳолат қолмайди, яъни абонентлар уйларида эки иш жойларидан ўзлари истаган шаҳар билан сим орқали гаплашиш имкониятига эга бўлишади.

Миллий дастурга асосан ЎзДАЛИ институтини билан ҳам 4 та шартнома тўзганмиз. Унга мувофиқ Термиз шаҳрининг Фарм даҳасида 2 минг 48, 5-кичик ва «Нефтбаза» даҳасида 8 минг 142, Денов шаҳрида 6 минг рақамга мўлжалланган станция қурилади. Қурувчилар зарур маблағлар билан таъминланган. Жумладан, «Нефтбаза» даҳасида 4 минг 96 рақамга мўлжалланган алоқа қурилиш корхонаси учун 12 миллион сўм маблағ ажратилди. Вилоятда шаҳарлараро сўзлашув ва телеграфлар сифатини яхшилаш учун бир қанча ишлар олиб боришмоқда. Денов алоқа станциясида эски аппаратлар ўз хизмат муддатини ўтаб бўлгани учун замонавий тизимли аппарат билан алмаштирилди. Шунинг айтиш лозимки, бу ишнинг монтаж ишлари алоқа хизмати тўхтатилмаган ҳолда бажарилди. Айни пайтда Сарисий тумани электралоқа боғламасида янги тизимли аппаратни монтаж қилиш ишлари

барвақт якунланди. Денов — Сарисий — Термиз — Учқизил — Жарқўрган кабель линияларини қуриш ва уни бир йўла замонавий аппаратлар билан боғлаш ишлари жадвал бормоқда. Қорлиқ алоқа корхонасида янги аппарат ишга туширилди. Олтинсойликлар энди Денов эки Термиз орқали эмас, балки тўғридан-тўғри ўша жойнинг ўзидан шаҳарлараро сўзлашув алоқасига чиқишмоқда.

Бозор иқтисоди шароитларига кўниқиб бораётган алоқачиларимиз давр талабларидан келиб чиқиб, зиммаларидаги масъулиятни дилдан сезишмоқда. Уларни ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор бераймиз. Алоқачилар учун 24 хонадонли уй фойдаланишга топширилди. Ходимлар малакасини ошириш борасида ҳам қайғуряпмиз. Шу йилнинг биринчи чорагида 96 ходим қисқа курсларда ва 10 нафар муҳандис эса Тошкент Электротехника алоқа институтини ва Тошкентдаги жаҳон иқтисодиёти университетига малака ошириб қайтишди.

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига тайёргарлик қўрилаётган шу кунларда вилоятимиз алоқачилари ўз касбларини ардоқлаб, аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатмоқдалар.

Олимжон ЭШОНОВ,
Сурхондарё вилояти
электралоқа ишлаб
чиқариш корхонаси
бошлиғи

«ЯНА КЕЛИБ ТУРИНГ!»

Тошкентнинг Юнусободга кетиш йўлида жойлашган 126-рўзномалар дўкони ҳаммиса харидорлар билан гавжум. Айниқса эрта-лаб бу ерда йўловчилар кўп бўлишади. Кимдир ишга, кимдир ўқишга боғлиқ. Ана шундай пайтда сотувчи Абдушукур Абдувалиевнинг қўли-қўлига тегмайди. У ҳаммининг кўнглини олишга ҳаракат қилади. Йўловчиларга сў-

кин хасталикдан халос бўлиб, шифокорлар ва яқин дўстлари маслаҳати билан сенигрок иш излади. Унга ўтириб газета ва журналлар сотишдан кўра макулроқ юмуш йўқдек кўринди. Вақт оқар сувлек тез ўтиб кетар экан. Мана шунга ҳам ўн икки йил бўлибди. Бу ҳамдат ичида А. Абдувалиев танлаган касбининг барча сир-асорларини пухта ўрганди, ўз ишига кўниқди. Баҳоли қўларат тажриба орттирди.

— Ҳамкасбим Тўлқин ака Алиев билан навбатма-навбат ҳар ойда ўрин алмашиб ишлаймиз. Бир ойда 48 минг сўмлик мол сотиш режалаштирилган. Кунига 1600 сўмлик мол сотилади. Ойлик режаларимизни 110-120 фоиз қилиб бажаряпмиз, — дейди сўхбатдошим. Ҳозирги кунда янги-янги наشرлар пайдо бўляпти. Уларнинг ҳар бири ўз ўқувчисига эга. Харидорлар ўзларига ёққанларини танлаб харид қилишади. Дўкониимизда матбуот нашрлари билан бир қаторда турли хил атторлик буюмлари ҳам сотилади.

Абдушукур Абдувалиевнинг дўстлари ниҳоятда кўп. У киши «дўстлар омон бўлса бас» деган нақлни кўп такрорлайди. Оиласидан бахтини топган Абдушукур аканинг бир қизи, бир ўғли бор. Алоқачилик касбини танлаб кам бўлгани йўқ. Халқимизга зиё таратишда нафи тегаётганидан хурсанд.

И. АХМЕДОВ

УЛАР — ЖАМОА ФАХРИ

Меҳнат қилган элда азиз дейдилар. Айниқса, бир жамоада кўп йиллар фаолият кўрсатиб, эл хизматида бўлиш осон эмас. Фидойи инсонлар аззо бўлган меҳнат жамоасининг иши фақат илгари силжийди.

Туманимизда электралоқа боғламасидаги бўлим бошлиғи Дилбар Раҳматуллаева, Санобар Маҳманазаровалар 25 йил, почта алоқа боғламаси бошлиғи Фуломиддин Авазов, ходимлар бўлими бошлиғи Роза Исмаилова, бош газначи Робия Қўчқорова, сараловчи Розия Нурматовалар эса 20 йилдан зиёд ўз касбини улуғлаб, эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топмоқдалар. Биз захматқаш ҳамкасбларимизга узоқ умр, сийхат-саломатлик, ишларида омад тилаймиз.

Бешкент почта
алоқа боғламаси
жамоаси
Қашқадарё вилояти

Бугунги кунда телеграф хизматидан фойдаланмайдиган киши бўлмаса керак. Чунки у энг зарур пайтда у эки бу хабарни тегишли манзилга етказишда зарур восита ҳисобланади. Даврнинг ана шу эҳтижини чуқур ҳис қилган самарқандлик алоқачилар телеграф хизматини такомиллаштириш, унинг савиясини ошириш устида ибратли ишларини қилмоқдалар.

— Чет элдан келтирилган янги ускуналар туфайли станцияда қисқа муддат ичида меҳнат унумдорлиги 15 бараварга ошди, — дейди Самарқанд телеграф станцияси бошлиғи А. Субҳонқулов. — Аввалги 320 киши

бошлиқлари Л. Н. Валькова, Л. И. Фаражаева, Тошкент шаҳар телеграф станцияси цех бошлиғи Л. С. Фарафонова, Самарқанд телеграф станцияси бошлиғи А. Субҳонқулов кун тартибидоғи масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

СЎЗ — АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА
Марат ШАРАФУТДИНОВ,
Наманган вилоят электралоқа корхонаси бўлим бошлиғи:

— Одатда, телеграф хизмати мадда ишдек туюлади. Лекин у ҳаётини эҳтиж ҳисобланади. Биз маҳаллий ҳокимият раҳбарларига ана шунини тушунира олишимиз ва биргаликда бу соҳани юқори савияга кўтаришимиз зарур. Са-

ТЕЗ, АРЗОН, ҚУЛАЙ

Ўрнига эндиликда 100 киши хизмат қилаётир. Рентабеллик 21,8 фоиздан 63 фоизга кўтарилди. Ускуналар эгаллаб турган майдон ўн баравар қисқарди. Хуллас, электрон хизмат усули жуда кўп қулайликлар яратди.

Ҳақиқатан ҳам станцияда шошилиночномаларни қабул қилиш, узатиш, абонент билан ҳисоб-китоб қилиш жуда қисқа муддатларда амалга оширилади. Таалабга қараб идора ва муассасалардаги компьютерлар бевосита телеграф станциясига улаб қўйиши мумкин. Бундан ташқари, янги техника шошилиночномаларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида дунёнинг исталган мамлакатига жўнатиш имконини беради.

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ва «Ўзбектелеком» концерни ташаббуси билан ўтказилган анжуман қатнашчилари ана шу имкониятларни ўз кўзлари билан кўрдилар. Уч кун давомида барча вилоятлардан ташриф буюрган телеграф станциялари бошлиқлари, етакчи мутахассислари телеграф хизматини такомиллаштириш, уни янги замонавий техника билан қуролантириш, хизмат савиясини ошириш муаммолари ҳусусида сўз юритдилар, ўзаро тажриба алмашдилар.

«Афросиёб» меҳмонхонаси мажлисхонасида бўлган анжуманда Самарқанд вилоят электралоқа корхонаси бошлиғи Ҳакимат Ҳакимов меҳмонларга вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди. «Ўзбектелеком» концерни бўлим

марқандда ўрнатилган янги ускуналар менга жуда маъқул бўлди. Кўп нарса ўргандик. Энди уни ўзимизда ҳам қўллаш чораларини кўрамиз.

Тамара ЛЕМ — Хоразм вилоят телеграф станцияси бошлиғи:

— Назаримда, шошилиночномалар тарифини бир кўриб чиқиш керак. Эҳтимол шариотта қараб ўзгартириб туриш лозимдир. Масалан, бизда бир кунда бор-йўри 20-25 тагина шошилиночнома жўнатилади, холос. Туманларда бу рақам 5-6 тадан ошмайди. Самарқандликлар компьютерлашган электрон хизматига ўтиб жуда яхши иш қилишибди. Энди бошқа вилоятларда ҳам ана шу усулни қўллаш керак.

Маҳмуд ЖўРАЕВ, Андижон вилоят электралоқа корхонасининг етакчи мутахассиси:

— Авалямбор, Самарқанддаги ўзгаришлар менга ёқди. Амир Темур юбилейига жуда катта тайёргарлик қўрилямоқда. Алоқа хизматида ҳам ижобий ўзгаришлар бор. Вилоят ҳокимлиги катта ёрдам беришти. Насиб этса, яқин ойлар ичида Андижон телеграф хизматида ҳам янги ускуналар пайдо бўлади.

Алоқачилар уч кун давомида телеграф муаммолари устида фикр юритиш билан бирга қадимий ва навқирон шаҳарнинг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойлари билан танишилди. Регистрондаги овозли-муслиқали панорамани томоша қилдилар.

С. НАБИЕВ

Туманимизда Умуэрзоқ ота Бойматовни энг кекса, тажрибали алоқачи, II-гурӯх уруш ноғирони сифатида яхши билишади.

Умуэрзоқ ота 1942 йилнинг декабрида урушга жўнаб, Са-

бардам. Турмуш ўртоқлари Тўтижон ая билан 5 ўғил, 4 қизни вожа етказишди. Хозир уларнинг бири-биридан ширин 28 невара-чеваралари бор.

Умуэрзоқ отанинг ўғли Сат-

АРДОҚ


марқанд шаҳрида ҳарбий тайёргарликдан ўтгач, Белорусиянинг Невл шаҳридаги ҳарбий қисмда хизмат қила бошлади. 1943 йилнинг ноябрида Витебск шаҳрини озод қилиш учун бўлган жангларда оғир яраланди. 1944 йилнинг июнигача Иваново вилоятидаги госпиталда даволанди. 1945 йили она юрти — Варзик қишлоғига қайтиб келди. Ушандан буён Умуэрзоқ ота Бойматов бошқариб келаётган Варзик алоқа бўлими аҳолига намунали почта хизмати кўрсатиб келяпти.

Этмиш бир баҳорини қаршилаган Умуэрзоқ ота ҳали

торжон почтачи, қизи Саодат-хон эса Тошкент алоқа коллежини тугатиб, оператор бўлиб ишлаяпти.

Отанинг узоқ йиллик меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У киши орден ва медаллар, бир неча марта Алоқа вазирлиги Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Кекса алоқа ходими Умуэрзоқ ота Бойматовга сийхат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз.

Н. РАҲМОНОВ,
Чуст туман почта алоқа боғламаси иқтисодчиси,
Наманган вилояти



раган матбуот нашрларини бераётиб, «Яна келиб туринг!» дея харидордан бир оғиз ширин каломини аямайди.

— Сотувчи доимо хушмуомала, хушфел бўлиши керак, — дейди Абдушукур ака. — Яхши сўз — жон озиги деб бежиз айтишмаган. Ҳар тонг ширин сўз билан иш бошлаган инсон кун бўйи яхши кайфиятда юради, саяй-ҳаракатида унум бўлади.

... Ҳеч кимни хасталик айнаи қирчиллама ёшида ўз исканжасига олмасин. А. Абдувалиевнинг соғлиги жойида бўлмади. Яратганининг ўзи ҳар қандай дардга шифо бераркан Абдушукур ака аста-се-

ДУШАНБА, 27

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.30 «Хафтаном».

8.30 Юсуф Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 18-серия. 9.00 «Узбектеелефильм» курсатади: «Марғилол илғи».

9.15 «Санъатга баҳода ҳаёт». Халқ артисти Бернара Кориева. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Китоб ва ҳаёт». «Кутубхона — зия маскани».

10.40 «Жаннат» анзалар оёғин остидадур... Публицистик курсатув. 11.15 «Кутлов». Болалар учун қизқарди дастур.

11.45 «Ешлик» студияси. «Талабалик йилларим». 12.15 «Уноҳ». Бадий фильм. 13.30 Узбек кўйларинан концерт. 14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.45 Курсатувлар тартиби. 17.50 Янгиликлар. 18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Нурафшон» танлабос пайтида — «Ахборот» (рус тилида).

19.50 Ўзлонлар. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.10 Биржа ва банк хабарлари. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот».

20.55 Ўзлонлар. 21.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 21.40 Уткир Хошимов. «Катагон». Ҳамаз номидagi Узбек Даълат академик драма театрининг спектакли.

23.10 Диктат, премьера: «Захматкаш олим» («Узбектеелефильм»). 23.15 Ўзлонлар. 23.20 «Ахборот». 23.55 — 00.35 «Ешлар билан юзма-юз».

18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Мултфайерверк». 18.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).

18.25 «Блиц». Фотокурки. 18.30 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 Ўзлонлар. 20.05 «Бизнез-юк». 20.10 «Ахборот» (рус тилида).

20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ахборот». 21.10 «Ахборот». 21.20 Оханглар ва Ўзлонлар. 22.00 «Киноноғоҳ».

22.40 — 00.10 «Спорт қитъаси». III 17.50 Янгиликлар. 17.55 Ўзлонлар. 18.00 «Тошкент фавворалари». Телефильм.

Россия жамоат телеливнесиси 6.30 — 8.00 «Телетонг». 18.10 — 20.40 20.40 «Мусаввир Дурди Байрамов». Телефильм.

Россия давлат телеливнесиси 21.00 — 21.30 21.30 «Тропиканка сирин». Телесериал.

22.20 «Бу ажиб дунё». 22.20 «Эшлар». 22.45 — 22.50 Янгиликлар. IV 17.10 — 18.45 Туркия телеливнесиси.

18.45 «Мулткарусель». 19.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари. 19.20 «Ок соя».

19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.45 «Янги иктисод».

21.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари. 21.45 «Америка бизнесининг тарихи». «Эндрю Карнеги ва бизнес мафкураси». 5-курсатув. 22.20 «Маблағ».

23.00 — 23.10 «Хайрли тун!» ЧОРШАНБА, 29 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Зарафшон» ашула ва ракс ансамблининг янги концерт дастури. 9.05 «Юрт таянчлари». Публицистик курсатув.

9.30 «Табии ҳаёт сарчашма-си». Кинодастур. 10.00 Янгиликлар. 10.05 Лирик концерт. 10.30 Абитурент-96. Физика. 11.00 Алифбо сабоқлари. 11.30 Абитурент-96. Киме.

12.00 «Бешинчи довон». Видео-канал. 14.00 — 14.05 Янгиликлар. 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар.

ПАЙШАНБА, 30

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Унитилмас сатрлар». Фузулий. 9.20 «Иктисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.

9.35 «Ўқитувчилар. Сизлар учун!». 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Муносабат». Публицистик курсатув. 10.30 Абитурент-96. Биология. 11.00 «Камолот йули». Тошкент шаҳридаги «Хунар-техника лицейи» ҳақида.

11.30 «Ешлик» студияси. «Онамнинг уғитлари». 12.00 «Оқшом эртақлари ҳақида эртақ». Бадий фильм. 13.20 Мудофаа вазирилик қошидаги бирлашган ашула ва ракс ансамблининг концерти. 14.00 Янгиликлар.

14.05 — 14.45 «Менда фикр бор». Таъдиркорлар телевизион клуби. *** 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар.

18.10 «Умид учкунлари». Болалар сатирик киножурнали. 18.20 Мушоҳада учун мавзу. «Кредит — таъдиркор тазки». 18.40 «Санъат олами». Хайкалтарош Абдуманнон Байматов. 19.10 «Замон билан ҳамнафас». А.Шинин «Ке» комбайнлари — Ўзбекистонда.

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.30 «Умид учкунлари». 19.55 Оқшом эртақлари. 20.10 «Юзма-юз». Мулоқот. 20.30 «Ахборот».

20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Фукаролик жамияти — максимизм». 21.25 «Ривоят ва наволар». Мусикий дастур. 1-қисм. 22.10 «Ҳофизлар хониш қилганда». 22.45 «Абадгит қўшиғи». Бадий-публицистик курсатув. 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот».

23.50 — 00.45 «Аёл бахти». Кино-курсатув. III 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Умид учкунлари». 18.15 «Мултфайерверк». 18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).

18.35 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Автосалон». 20.15 «Хайрли тун!» («Юқори сифат»). 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот».

20.55 «Ахборот». 21.00 «Сизнинг услуб». 21.15 Оханглар ва Ўзлонлар. 21.30 «Киноноғоҳ». 23.55 — 00.25 «Спорт қитъаси».

III 17.50 Янгиликлар. 17.55 Ўзлонлар. 18.00 «Палестини кўли». Телефильм. Россия жамоат телеливнесиси 6.30 — 8.00 «Телетонг».

18.10 — 20.40 20.40 «Номълум Бухоро». Телефильм. Россия давлат телеливнесиси 21.00 — 21.30 21.30 «Тропиканка сирин». Телесериал.

22.20 «Шоҳсула сари». 22.50 «Умид учкунлари». 22.55 — 23.00 Янгиликлар. IV 17.10 — 18.45 Туркия телеливнесиси.

18.45 «Мулткарусель». 19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари. 19.30 «Компьютер-ревю». 19.55 Ўзлонлар. 20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.50 «Каталог». 21.00 Ўзлонлар. 21.05 «Кобра». Телесериал (АҚШ).

2. «Динамо» — «Пахтакор». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Эртақ». 18.35 «Оханглар оғушида». 18.55 «Блиц». Фотокурки. 19.05 «Эртага — шанба».

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Сиздан ишорат...». 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот».

20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Ривоят». 21.10 «Фарин». 21.40 «Таманно». 21.50 Оханглар ва Ўзлонлар. 22.30 — 23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

17.50 Янгиликлар. 17.55 Ўзлонлар. 18.00 «Ургут жилolari». Телефильм. Россия жамоат телеливнесиси 6.30 — 8.00 «Телетонг».

18.10 — 20.40 20.40 «Эстафета». Спорт курсатувви. 20.55 Ўзлонлар. Россия давлат телеливнесиси 21.00 — 21.30 21.30 «Тропиканка сирин». Телесериал.

22.25 — 22.30 Янгиликлар. IV 17.10 — 18.45 Туркия телеливнесиси. 18.45 «Мулткарусель». 19.00 «Учкун».

19.30 «Оханглар эшитиди...» Бевосита мулоқот. 20.00 Ўзлонлар. 20.05 «Билиб қуйган яхши». 20.30 «Умид учкунлари». 21.00 «Бизнес-академия». 21.25 «Истеъдодлар ва муҳлис-лар».

22.05 Ўзлонлар. 22.05 «Монитор «Осиё». Тележурнал. 22.45 «Мусикий Ўзбекистон». 23.15 «Британия ундалиги». Хозирги замон Англия ҳаёти ҳақида курсатув. 23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 1 ХАЛҚАРО БОЛАЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Ривоят ва наволар». Мусикий дастур. 2-қисм. 9.20 «Соғлом авлод учун». Спорт дастури. 9.40 Болалар учун. «Гулгуналар».

10.10 «Умр мазмуни». 10.30 «Сизнинг камол ва Махлуқ». Мультифильм. 11.55 «Оналар мактаби». 11.55 «Узбектеелефильм» курсатади: «Шоҳнам».

12.45 «Синфдош». Халқаро болаларни химоя қилиш кунига бағишланган курсатув. 13.45 «Танглик болалар». Бадий фильм. 15.00 — 15.30 «Таранум». Мусикий дастур. *** 16.55 Курсатувлар тартиби. 17.00 «Барак эмгирин». Мультифильм.

17.10 «Кўёш кулиб боққан кун». Халқаро болаларни химоя қилиш кунига бағишланган видеофильм. 18.25 Спорт хабарномаси. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 Оқшом эртақлари. 20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 20.25 «Бу ажиб дунё». 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Сакка» премьера: Юсуф Розиков «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 19-серия. 21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маъини!». Қўшиқлар қирқ-танлови. 22.00 «Жаҳон ҳафта ичида». 22.15 «Зебо». Қизлар тележурнали.

22.45 «Болалика улар шўҳр...» Ўзбекистонда хизмат қилган артист Юлда Усмоновнинг янги концерт дастури. 23.45 «Тунги егду». Дам олиш кинодастури. II 9.00 «Мултфайерверк». 9.15 «Узусийлаштириш: кадам-бакадам». 9.30 «Компьютер-Осиё». 10.05 «Хайвонот оламининг сирлари». 10.55 «Автосалон». 11.15 «Сизнинг услуб». 11.30 Оханглар ва Ўзлонлар. 12.10 «Киноноғоҳ». 13.50 — 14.50 «Спорт қитъаси».

Фильм. IV 10.00 «Илондан эҳтиёт бўлинг!» Болалар учун фильм. 11.05 Ўзлонлар. 11.10 «Безенен-мирас» (татар тилида). 11.50 «Чинсанг». 11.50 «Келинг, дўстлашайлик!» Мультифильм. 13.00 — 13.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.

17.10 — 18.45 Туркия телеливнесиси. * 18.45 «Сибҳодона». Болалар учун дастур. 19.05 «Телешафр». 19.25 «Одам ва одам». 19.55 Ўзлонлар. 20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.50 «Эстафета» учун дастхат. 21.15 «Бугунги Европа». 21.35 Ўзлонлар. 21.40 Кинонинг олтин асри. Кирк Дунё одамлари. Оливье «Спартак» фильмида. 1-серия. 23.10 «Бу ажиб дунё». 23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ЎЗШАНБА, 2

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 10.00 «Ватанимга хизмат қилман» кинодастур. 11.00 Юсуф Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 19-серия. 11.40 «Зебо». Қизлар учун тележурнал. 12.00 «Махалламиз болалари». Телемузокава. 13.15 «Ташир». Дам олиш дастури.

14.00 — 14.50 «Актёрлар ва роллар». Оғаҳин номидagi Хоразм вилояти мусиқали драма ва комедия театрининг актёрлари Омонбоевлар. *** 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 «Кўшиғим, жон кўшиғим». 18.35 «Оламга савҳат». Кинокурсатув. 19.05 «Ойнаи жаҳонда...». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида).

20.00 «Хар зарбидан бир қўшиқ сизиб чиккан доирам». Ўзбекистонда хизмат қилган артист Зилуло Муҳаммадов. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Хафтаном». 21.00 Ўзлонлар. 21.05 Телевизион премьера: Юсуф Розиков «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 20-серия. 23.25 Дам олиш концерти. 23.30 «Григ хам одам». Бадий фильм. 23.55 «Ахборот». 24.00 «Ахборот». 24.00 «Ахборот». 24.00 «Ахборот». 24.00 «Ахборот».

9.00 «Эртақ». 9.20 «Блиц». Фотокурки. 9.30 «Сиздан ишорат...». 10.00 «Ривоят». 10.10 «Фарин». 10.40 «Таманно». 10.50 «Олам». Маърифий курсатув. 11.40 «Ал-Бишрининг орау-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).

13.35 Оханглар ва Ўзлонлар. 14.15 15.55 «Дам олиш «О»». 17.00 «Келгуи ҳафтада». 17.05 Ўзлонлар. 17.25 Болалар учун. «LEGO-савҳаси».

17.45 «Колдулар». 18.15 «Ал-Бишрининг орау-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси). 19.10 «Оханглар оғушида». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида). 19.55 Ўзлонлар. 20.00 «Шах ва баҳс».

20.30 «Хафтаном». 21.00 Ўзлонлар. 21.05 «Футбол олами». 21.15 «Сизнинг сатрлари». 21.40 «Дармон». 21.50 «Даркич». 22.05 «Келгуи ҳафтада». 23.30 — 00.10 Видео — «О».

17.00 Дастурининг очилиши. Ўзлонлар. * Россия жамоат телеливнесиси 17.10 — 19.35 19.35 «Чанқовуз». Телефильм. Россия давлат телеливнесиси 19.45 — 23.25 23.25 Ўзлонлар. 23.30 — 23.55 «Панорама».

10.00 «Эй! Тонгинга хайрли бўлсин!». 10.30 «Эртақларнинг сеҳрли олами». 12.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 12.10 Ўзлонлар. 12.15 «Парле ва франса?». Франсининг «Одамлар» учун дастури. 12.45 — 13.05 «Жонли сайра».

17.10 — 18.45 Туркия телеливнесиси. 18.45 «Сибҳодона». Болалар учун дастур. 19.05 «Маблақатлар, воқеалар, одамлар». 19.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари. 19.55 Ўзлонлар. 20.00 «Миср: кенга ва бугун». 12-курсатув. 20.45 «Хандадонингда осийш-талиқ бўлсин!». 21.25 Ўзлонлар.

21.30 Кинонинг олтин асри. Кирк Дунё одамлари. Оливье «Спартак» фильмида. 2-серия. 23.00 «Сенинг вақтинг». Ешлар учун дастур. 23.55 «Бу ажиб дунё». 23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

(Тошкентдан гапиримиз ва курсатамиз телестуридан олинди).